O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 10 октябрь, № 200 (4353) Чоршанба

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ





***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 октябрь куни Оқсаройда “General Motors Europe” (“GME”) компанияси президенти Карл Петер Фостер ва “GM Daewoo Auto & Tehnology” (“GMDAT”) компанияси президенти Майкл Гримальдини қабул қилди.***

Дунёдаги энг йирик автомобилсозлик корпорацияларидан бири бўлган “General Motors”нинг “GME” компанияси Европа ва Осиё-Тинч океани минтақаларида фаолият кўрсатади. 2007 йилнинг биринчи ярмида у 1,1 миллиондан зиёд автомобиль сотишга муваффақ бўлди. “GMDAT” компанияси эса “Buick”, “Cadillac”, “Chevrolet”, “Holden”, “Opel”, “Pontiac”, “Suzuki” каби кўплаб русумдаги автомобиллар ишлаб чиқариб, 150 мамлакатга етказиб беради. “General Motors” компанияларининг маҳсулотлари орасида “Chevrolet” русумли автомобиллар энг харидоргир саналади.

“GME” ва “GMDAT” компаниялари раҳбарларининг юртимизга ташрифи асносида “ЎзДЭУавто” акциядорлик жамияти негизида “Шевроле” автомобилларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича “GM Ўзбекистон” қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу ҳужжат уч русумдаги “Chevrolet” — “Captiva”, “Epica” ва “Tacuma” автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган лойиҳаларни кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади.

Президент Ислом Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон корхоналари билан “General Motors” компаниялари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани томонларнинг ҳамкорликка интилиши кучли эканлигидан далолатдир, деди.

Дарҳақиқат, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш юртимизда “General Motors” корпорациясининг автомобилсозликдаги илғор тажриба ва янги технологияларини ўзлаштириш имконини беради. “General Motors” эса Марказий Осиё ва Шарқий Европада ўзининг “Шевроле” русумли автомобиллари бозорини кенгайтиради.

“GME” раҳбари К.П. Фостер “GM Ўзбекистон”ни ташкил этиш жараёнида ҳар томонлама ёрдам кўрсатгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди. Янги қўшма корхона ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон корхоналари билан “GME” ва “GMDAT” компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## Дунё нигоҳи

***Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси юзасидан хорижий давлатлар ижтимоий-сиёсий, илмий ва эксперт доиралари вакилларининг баҳо ва шарҳлари мамлакатимизнинг чет эллардаги ваколатхоналарига келиб тушиши давом этмоқда.***

***Хорижий эллар вакилларининг бу муҳим ҳужжат юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ва баҳоларида мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда республикада кенг кўламли ислоҳотларни руёбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашлари баён этилади.***

# ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШНИНГ МУРАККАБ ЙЎЛИНИ МУНОСИБ РАВИШДА БОСИБ ЎТДИ

**Бремендаги Европа ҳуқуқи тадқиқотлари бўйича марказнинг кузатув кенгаши аъзоси, Бремен университети профессори Хаген Лихтенберг,** мустақилликнинг 16 йили давомида Ўзбекистоннинг тараққиёт босқичлари юзасидан Президент И. Каримов маърузасида берилган баҳони шарҳлар экан, биринчи босқичда «минтақавий қудратли давлатлар ва экстремистик оқимларнинг ҳокимиятга интилишувига бўлган манфаатларидан ёш республикани ҳимоя қилиш мақсадида кучли давлат тартиботларини яратиш даврнинг талаби» бўлганини таъкидлайди.

Шу билан бирга, аҳолининг ижтимоий таъминотини яхшилаш ва мамлакат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун туб ислоҳотларни амалга оширишнинг зарур йўлларини ишлаб чиқиш талаб этилар эди.

Шубҳасиз, бу ишларни рўёбга чиқариш учун улкан саъй-ҳаракатлар йўлини тутиш, барча соҳаларни баравар равишда жадал ривожлантириш лозим эди. Бу муаммоларни ҳал этиш ҳақиқатан ҳам жуда оғир масала ҳисобланарди. Аммо, шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига асосланган эркин ва демократик жамият яратишга бўлган интилишлари тарихий муваффақиятни қозонди.

Профессор Ҳ. Лихтенберг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов маърузаси сўнгги 16 йилда мамлакатнинг мустақил тараққиёти аниқ-равшан ва мухтасар баён этилган муҳим ҳужжатдир.

**Берлин-Бранденбург иқтисодий консуллар бирлашмаси бошқаруви раиси Инго Бетц**нинг фикр билдиришича, «Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шаклланишнинг мураккаб йўлини муносиб равишда босиб ўтди. Бу борада юзага келган улкан муаммоларни жуда қисқа давр ичида ижобий ҳал эта олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро ҳамжамият билан мустаҳкам савдо-иқтисодий муносабатларни ўрнатиш учун улкан ишларни амалга оширди. Ўзбекистон раҳбарияти ҳам иқтисодий, ҳам маънавий соҳаларда мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлаш учун улкан ва, айтиш мумкинки, жуда муваффақиятли саъй-ҳаракатларни олиб борди.

Ўйлайманки, Ўзбекистон бундан ҳам зиёд тараққий этиши учун салмоқли салоҳиятга эгадир. Ўзбекистон раҳбари мамлакат ёшлари учун, айниқса, порлоқ келажак учун яхши асос — таълим олиш йўлида кўп ишларни амалга оширди ва бу жараён давом этмоқда.

Ҳар қандай давлатнинг муҳим вазифаларидан ва муваффақиятининг асосий омилларидан бири мамлакат фуқароларининг халқаро ҳамжамиятнинг бошқа вакиллари билан тенг ривожланиши имкониятини кафолатлаш мақсадида ўзининг тўла мустақиллигини таъминлашдан иборатдир. Гап Ўзбекистон ҳақида борар экан, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатда мазкур тамойилни рўёбга чиқариш етарли даражада таъминланмоқда».

**Германия халқлар университетлари ассоциацияси ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик институтининг Марказий Осиё бўйича лойиҳаси раҳбари Уве Гартеншлегер** Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасини катта қизиқиш билан ўқиб чиққанини таъкидлади.

« — Биз Ўзбекистон ва ўзбек халқи жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллагани билан фахрланамиз, — дейди у ўз шарҳида. — Институтимиз 2002 йилдан буён профессионал таълим ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш соҳаларида Ўзбекистонга кўмак кўрсатиб келмоқда.

Биз юқори малакали мутахассислар ўқитилаётган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Ўзбекистон касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари тизимини муносиб равишда баҳоладик. Биз Ўзбекистон ҳукуматининг мазкур кенг қамровли ва муҳим жабҳани ўз вақтида сармоялаганини олқишлаймиз. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугун Ўзбекистон профессионал таълим тизими энг яхши ишлаб чиқилган мамлакатлардан бири ҳисобланади».

**(Давоми 2-бетда).**

*Тошкентда 9 октябрь куни Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.*

# ЎЗБЕКИСТОН – ЛАТВИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, кончилик, металл ва ёғочни қайта ишлаш, қурилиш каби қатор соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Юртингизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилганига яна бир бор амин бўлдик, — дейди Латвия Республикаси Савдо-саноат палатаси бош директори Андрис Гутманис. — Латвия Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. Бугунги мулоқотлар икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонамиз.

Форумда Латвия ишбилармонларига мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. 2006 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 82,2 миллион, жорий йилнинг январь-август ойларида эса 67,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида тузилган йигирмата қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар тўқимачилик, радиоалоқа воситалари, электроника маҳсулотлари ва мебель ишлаб чиқариш, машинасозлик, фармацевтика каби соҳаларга ихтисослашган.

Бизнес-форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, металл ва ёғочни қайта ишлаш, логистика, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, тўқимачилик, электротехника, енгил саноат, сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Латвия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Латвия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Анжуманда Латвиянинг қатор йирик компаниялари вакиллари иштирок этди. Хусусан, “Яуда” (электрон маҳсулотлар), “Винцентс Полилайн” (қурилиш компанияси), “Ругени” (биологик ёнилғи ишлаб чиқариш), “Лекон” (металлни қайта ишлаш, қимматбаҳо металлар савдоси), “Ласкана” (ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари) каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини кенгайтириш ниятида эканлигини қайд этди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг бир қатор компания ва корхоналари ҳамда Латвия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**



*Халқаро кўргазма*

*«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»:*

# «АВТОМОТОРШОУ»ГА МАРҲАМАТ!

***“Ўзэкспомарказ”да 9 октябрь куни “AutoMotorShow Uzbekistan 2007” тўртинчи Халқаро Ўзбекистон кўргазмаси очилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Toshshahartransxizmat” уюшмаси ва Россия Федерациясининг Автомобиль бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчилар миллий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиз автомобилсозлик саноатида кенг кўламли ва самарали ислоҳотлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда мамлакатимизда яратилган қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришда, соҳага замонавий технологияларни жалб этишда, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишда муҳим омил бўлмоқда.



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистоннинг автомобилсозлик саноати замонавий технологиялар билан жиҳозланган қатор корхоналарни ўз ичига олади. “ЎзДЭУавто” акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган “Ласетти”, “Нексия”, “Матиз” ва “Дамас” русумли автомобилларга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта. Марказий Осиёда ягона бўлган бу завод энг илғор технологик ускуналар билан жиҳозланган. Унинг маҳсулотлари қулайлиги, замонавий талабларга мослиги боис жуда харидоргир.

Ўзбекистон автомобилсозлик саноатидаги яна бир қувончли янгилик — “ЎзДЭУавто” негизида “General Motors” корпорацияси билан ҳамкорликда “GM Ўзбекистон” қўшма корхонаси ташкил этилганидир. Эндиликда Асакада дунёга машҳур “Шевроле” автомобиллари ҳам ишлаб чиқарилади.

Кўргазма павильонларидан мазкур қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган “Captiva”, “Epica” ва “Tacuma” русумидаги енгил машиналар ҳам алоҳида жой олган.

2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий кўргазмада бу гал анча кўп — Ўзбекистон, Россия, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Эрон, Польша, Литва, Туркия ва Қирғизистон каби мамлакатлардан қирққа яқин фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматларини таклиф этмоқда. Улар орасида “АвтоВАЗ”, “УАЗ” (Россия),

**(Давоми 2-бетда).**

*Парламент ҳаёти*

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.***

# ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИДА

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети лойиҳаси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши иштирокчилари диққат марказида бўлди. Шунингдек, “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури ҳамда “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан атрофлича муҳокама этилди.

Халқ демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси йиғилишида “Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***Мустақиллик йилларида юртимизда***

**5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.**

Ўтган даврда замонавий технологиялар негизида янги йирик ва кичик корхоналар ишга туширилгани, айниқса, шаҳар ва қишлоқларда, биринчи навбатда, хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини берадиган йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида касаначилик ташкил этилиб, унинг жадал ривожланаётгани туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Элчихона яқинида портлаш



***Бағдоддаги Польша элчихонаси яқинида бомба жойлаштирилган автомобиль портлатиб юборилди.***

Натижада, бир киши ҳалок бўлди, уч нафари жароҳатланди. Польша ҳукумати расмий вакилининг билдиришича, теракт оқибатида элчихона ходимларидан ҳеч бири жабр кўрмаган.

## 50 нафар ҳарбий йўқолди

**Покистон армияси қўмондонлигининг маълум қилишича, мамлакатнинг Афғонистон билан чегара ҳудудида жангарилар билан кечган отишмалар чоғида 50 нафар аскар бедарак йўқолган. Улар ҳақида ҳозирча ҳеч бир маълумот йўқ. Таъкидлаш керакки, сўнгги пайтда Шимолий Вазиристонда мамлакат ҳарбийлари жангариларнинг кучли қаршилигига дуч келмоқда.**

## Камбағаллар сони қисқаради



**2015 йилга қадар Осиёда ночорликда кун кечираётган аҳоли сони икки бараварга қисқаради. Осиё тараққиёт банкининг БМТ билан ҳамкорликда ўтказган тадқиқоти натижалари шуни кўрсатмоқда. Ушбу йилга келиб 23 миллион нафар бола очликда яшашдан қутулади. Бундан ташқари, Осиё қитъасида умумий таълим, гендер тенглиги ва ОИТСга қарши курашда ҳам катта муваффақиятларга эришилиши кутилаяпти.**

## Осиёнинг энг бой аёли

«Форбс» журналида ёзилишича, Хитойнинг энг бой кишилари рўйхатида 26 ёшли Ян Хуэйянь бошчилик қилмоқда. Унинг бойлиги 16,2 миллиард долларга баҳоланмоқда. Бундан ташқари, Янь Хуэйянь Осиёнинг энг бой аёли, деб эътироф этилмоқда. Унинг «Бигуйюань» компанияси кўчмас мулк бозорида фаолият юритади. Иккинчи ўринда «Шимао Цзитуань» компанияси эгаси Сюй Жун турибди. Унинг шахсий жамғармаси 7,3 миллиард долларни ташкил этади. Таҳлилчиларнинг фикрича, хитойлик бойларнинг кўпайишига сўнгги йилларда кўчмас мулкларнинг нархлари ҳаддан ташқари кўтарилиб кетиши сабаб бўлмоқда.

«Форбс» журнали ҳисоб-китобларига кўра, айни пайтда Хитойда миллиард доллардан кам бўлмаган сармоядорлар 40 нафарни ташкил этади. Уларнинг умумий бойлиги 120 миллиард долларга етди.

## Гумондор ушланди

Марокашда беш нафар шахс теракт уюштиришга тайёргарлик кўраётганликда гумон қилиниб қўлга олинди. Улар уюшган жиноятчилик ва теракт содир этишда айбланмоқда. 2003 йилда ҳам мамлакатда теракт содир этилганди. Ўшанда 12 та камикадзе ўзини-ўзи портлатиб юбориши оқибатида 45 киши ҳалок бўлганди. Шундан буён ҳукумат мамлакатда аксилтеррор амалиётларини кучайтирди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЗАЙТУНЗОРЛАР КЕНГАЯДИ

***Мутахассисларнинг фикрича, зайтун ўсимлиги мойининг таъми ва сифати жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради.***

Чунки унинг меваси таркибида 100 дан ортиқ элементлар мавжуд. Шу боис, жарқўрғонлик тадбиркор, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Чори Чўтпўлатов ўз томорқасида ана шу ўсимликни экиб, яхши натижаларга эришди.

— Бир туп зайтун кўчатидан дастлабки йили 35-40 килограмм мева олдик, бу — камида 20-25 литр мой деганини, — дейди Чори ака. — Агар бир оилада йилига 80-90 литр мой ишлатилишини назарда тутсак, ҳар бир киши томорқасида камида 4 тупдан зайтун дарахти экса, мазкур эҳтиёжни бемалол қондириш мумкин.

**Яхши хабар**

Вилоят ҳокимлиги бу ташаббусни қўллаб-қувватламоқда. Ўтган йили Жарқўрғон, Олтинсой, Денов туманларида ана шу ўсимлик экилган бўлса, жорий йилда Жарқўрғон туманидаги «Жаҳон» ва «Акром Ўринов» фермер хўжаликлари, шунингдек, «Сурхонозиқовқатсаноат ҳиссадорлик жамиятида жами 11 гектар ерда янги зайтунзорлар барпо этилди.

**Абди ҚОДИРОВ.**


**Азиз юртимиз фуқаролари ва меҳмонлари!**

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг



**«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ САЙЁҲЛИК АГЕНТЛИГИ**

**«Буюк Ипак йўли»нинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари бўйлаб юқори қулайликларга эга бўлган «SHARQ» ва «REGISTON» тезюрар поездларида гуруҳлар учун сайёҳлик йўналишларини таклиф этади.**

*Ўз ходимларини қизиқарли ва мароқли саёҳатга юбориш истагида бўлган ташкилот раҳбарлари учун агентлигимиз «Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Тошкент» йўналиши бўйича сайёҳлик поезди ташкил этиши мумкин.*

Мурожаат учун телефонлар: 299-71-66,136-46-18, факс: 299-71-83.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

1499R/332



Ўз муаммоларингизни ўзингиз ҳал қила олишингизга биз ишонамиз. Лекин сизни ҳеч қандай муаммо безовта қилмаслигига асло ишонмаймиз. Баъзида улар шу қадар кўпайиб кетадики, якка ўзингиз ечишингиз мушкул.

**«MULK-ВАНО» МЧЖ**

**юкингизни енгил қилиб, муаммоларингизни ҳал этишнинг мақбул йўлини топишга кўмаклашади.**



Агар қизларингизни ҳаётга, турмушга ҳозирги кундаги шароитларни тўғри тушунадиган, ўзини доно, меҳрибон ва иболи тута оладиган даражада тайёрлашни хоҳласангиз, бизнинг «Келинлар институти»га мурожаат этинг.

Қизларимизга соғлом, фидойи бўлишлари, дунёни тўғри тушунишлари учун уларни руҳлантирадиган шароитлар яратиш имкониятларини кўрсатишда бизнинг етакчи мутахассисларимиз ёрдам берадилар.

**«MULK-ВАНО» шуъба корхонасида психология, этикет, эстетика, ҳуқуқ, никоҳ ва тўй маросимлари, уларга тайёргарлик, оилани режалаштириш, тиббиёт, бозор иқтисодиётида оила бюджети, оилага моддий ёрдам бериш (кичик бизнес ), оила ва фарзанд, оила имиджи, оила тинч-тотувлигини сақлаш, уйни тутиш, кийим-кечак, байрам ва анъаналар, шахс ва жамият каби масалаларни ёритиш учун маслаҳатлар ташкил этилади.**

**Маслаҳатлар, асосан, шахс имкониятларини очиб бериш ва унинг ҳаётга дадил қадам қўйишига йўналтирилган. Ёшлик ва ҳаётга илк қадам қўйишда зарур бўлган илм, илғор тажриба ва маслаҳатларни ўрганмоқчи бўлсангиз, хизматларимиздан фойдаланинг.**

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 21-уй.
Тел.: 144-58-65, 110-99-32. Факс: 144-58-65.

1454-1R/1357



**«MULK-ВАНО» МЧЖ**



**«Шажара қанчалик керак, у кимларни қизиқтиради?» деган саволга «Ҳаммамизни, ҳозирги ва келгуси авлодни қизиқтиради», дея жавоб берамиз. Ахир тарихсиз бирор-бир инсон, оила, жамоа, эл, халқ бўлмайди. Агарда кимда-ким ўз тарихини билмаса, ҳурмат қилиб ардоқламаса, ота-онасининг ўтган ҳаётини эъзозламаса, унда келгуси замонга у нима билан кириб боради?**

Агарда ҳар бир инсон ота-онасининг ҳаёти ва ўтган даврида иззатини қилмаса, эр рафиқасини ёки рафиқаси эрини, болаларини ҳурматламаса, билсинки, у илдизи қуриган дарахтни суғориб, манфаат кўрмоқчи бўлган нодон кабидир. Инсон нафақат берилган муқаддас ҳаётда, табиатнинг ноз-неъмати, ҳаёт нашидаларидан манфаатдор бўлиши керак, балки унга шу нурларни берувчидан, Яратувчидан миннатдор ва садоқатли бўлиши талаб этилади.

Ўз тарихингиз тўғрисида билишга қизиқяпсизми? У ҳолда, тегишли тарихий маълумот бериб, «MULK-ВАНО» МЧЖ маркази хизматидан фойдаланинг. Агар авлодингиз дарахтини яратмоқчи бўлсангиз, бизга мурожаат этинг.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 100011, М-14, 3-уй, 30-хона,

**«MULK-ВАНО» МЧЖ.**

1454-2R/1357



**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

**Ўлчаш диапазонлари:**
**- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
**- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
**- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).**
**- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).**
**- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал – Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

1505H/1823


From the People of Japan

*Обучение в магистратуре в Японии!*
*Японияда магистратурада ўқиш!*
*"Let's study in Japan!"*



# JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) (2008-2009)

**Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan in the Japanese fiscal year of 1999-2000.**

**The objective of the JDS Project is to provide Uzbekistan nationals with opportunities for obtaining master's degree at Japanese universities in order to support human resource development policy of the Government of Uzbekistan, and eventually to extend and strengthen the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.**

**The JDS targets those who are expected to play leadership role in socio-economic development of Uzbekistan after obtaining Master's degree within the designated period of study.**

**Under this Project, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for the year 2008-2009.**

**1. DEGREE TO BE OBTAINED, FIELDS OF STUDY**

(1) **Degree**: Master's degree (1-2.5 year courses)
(2) **Fields of study, Common Agenda* and Accepting universities**:
- Law: *Developing Legal Infrastructure for Attractive Market and Active Industries*
  Nagoya University
- Public Administration: *Building Institutional Capacity for Good Governance*
  Meiji University, University of Tsukuba
- Economics: *Ensuring Balanced and Stable Fiscal Management*
  International University of Japan, Hitotsubashi University
- Business Administration: *Providing Sound and Fair Business Environment*
  Waseda University
- Agriculture: *Advancing Effective Agricultural Structure*
  Tokyo University of Agriculture and Technology
- Information and Communication Technology: *ICT Policy to Create Wider and Advanced Usage*
  Ritsumeikan University
- Education Administration : *Delivering Better Educational Service*
  Hiroshima University
- Engineering : *Improvement of Industrial Structures and Its Management*
  Toyohashi University of Technology

* Common Agenda should be considered when writing your Research Proposal

(3) **Language of instruction**: English

**2. QUALIFICATION OF APPLICANTS**

(1) **Nationality**: Citizen of Uzbekistan
(2) **Age**: (as of April 1st , 2008)
- Between 22 and 34 years old (inclusive).
- For the study fields of "Engineering" and "Agriculture", between 22 and 39 years old (inclusive).

(3) **Work experience** recorded in Workbook: (as of August 17th, 2007)
- More than 2 years' work experience on full-time basis after getting a Bachelor's degree.
- For the study field of Business Administration, more than 3 years' work experience on full-time basis after getting a Bachelor's degree.

(4) **Academic background**: Bachelor's degree. (Please also refer to the University information for necessary information for application.)
(5) **English proficiency level**: Minimum requirement must be either of the following:
- IELTS score 6.0
- TOEFL PBT (Paper-based) score 550 / TOEFL CBT (Computer-based) score 213 / TOEFL iBT (Internet-based) score 79

Those who submit the valid official certificate of the score higher than either of above, which was issued after April 1, 2006, will be exempted from English language exam during the selection stage.

(6) **Ineligibility**:
- Those who have already studied or are scheduled to study in a foreign country in order to obtain a degree of Bachelor or Master under any kind of scholarship program shall be ineligible for application.
- Military personnel registered on the active list or persons on alternative military service shall be ineligible for application.

(7) **Others**:
- Must be in good mental and physical health. Applicant will undergo medical check-up in Tashkent during selection.
- Finalist (applicant who passed the final selection) must participate in the Preparatory Japanese language training in Tashkent for about 2 months (planned to be held in Apr.-Jun.2008).

**3. APPLICATION PROCEDURES**

➢ Applicant should submit the JDS Application Form accompanied with necessary documents to JICE JDS Project Office.
➢ Application Form will be available at the places below located or can be downloaded from our website (**http://www.jds.uz**).

1. JICE JDS Project Office in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 17:00
   - 12A, U.Nasir St., Tashkent
2. Embassy of Japan in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 1-28, Sadyk Azimov St., Tashkent
3. JICA Uzbekistan Office
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
4. Uzbekistan-Japan Center for Human Development
   - Mon. to Thurs., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30, Fri., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 20:00
   - 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
5. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
   - Mon. to Fri., 15:00 to 17:00 96, 2nd Chimbay St., Tashkent
6. Business Communications Center (BCC) in Tashkent – 4th floor, 16A, Shahrisabz St.
7. BCC Regional Offices
8. Major academic institutions
9. Chamber of Commerce and Industry – 14, Mavaraunnakhr Street, Tashkent
10. Regional Offices of the Chamber of Commerce and Industry
11. Ministry for Foreign Economic Relations Investments and Trade, Regional Offices

**4. APPLICATION DEADLINE: November 5th , 2007, 17:00**

Applications missing above deadline shall not be accepted.

**5. PLACE OF SUBMISSION: JICE JDS Project Office in Tashkent** by post, courier or hand.

**6. SELECTION PROCEDURES**

(1) **First Selection – November 2007**
- Examination and Screening of submitted Application Forms by University Professors in Japan

(2) **Second Selection – January 2008**
- English language examination - IELTS
- Basic mathematics test

(3) **Third Selection (Technical Interview) – February 2008**
- Interview by Japanese University Professors in Tashkent
- Medical check at a designated hospital

(4) **Fourth Selection (Comprehensive Interview) – March 2008**
- Interview by the Operating Committee members for JDS

**7. INQUIRY**

**JICE JDS Office in Uzbekistan**
Address: 12A, U.Nasir St., Tashkent
Telephone: 139-15-60/139-15-67
(Monday to Friday 9:30 to 13:00, 14:30 to 17:00)
E-mail : jice@jds.uz Website : http://www.jds.uz

1245H/1457

Спорт



# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС МАРКАЗ

***Кейинги йилларда Қарши шаҳрида кўплаб спорт иншоотлари қурилди. Ўхшаши йўқ Марказий стадион, улкан енгил атлетика манежи, сув спорти саройи, марказий теннис корти... Уларнинг ҳаммасини санаб чиқиш, таърифини келтириш осон эмас. Биз «Шўртан газ-кимё мажмуи»нинг спорт-соғломлаштириш марказини кўриб, ҳайратга тушдик.***

Илгари бу ерда «Геолог» стадиони бўларди. Баъзи-баъзида мусобақа ўтказилмаса, кўпинча бўш турадиган бу жой 2005 йилда қурилиш майдонига айланди. Икки йилда қиёфаси бутунлай ўзгариб, шаҳарликлар кўриб ғурурланадиган, меҳмонларга кўз-кўз қилса арзийдиган маскан бўлди. Бугунги кунда спорт-соғломлаштириш маркази нафақат корхона жамоаси, балки бутун шаҳар аҳлига хизмат кўрсата бошлади.

— Ҳозиргача мижозларимиз мингтадан ошди, — дейди спорт-соғломлаштириш маркази раҳбари Миржаҳон Муродов. — Корхона раҳбариятининг саъй-ҳаракати туфайли бизда мижозларнинг жисмоний чиниқиши ва соғлиғини мустаҳкамлаши учун зарур бўлган барча шароитлар яратилган. Машқ қилиш учун энг замонавий спорт жиҳозлари ўрнатилган. Мутахассисларимиз ҳам малакали, ўз ишининг усталари ҳисобланади. Каратэ-до бўйича мураббийимиз Люция Бойбулатова эса Ўзбекистоннинг олти карра чемпиони, жаҳон кубоги, Осиё биринчилиги совриндори. Ушу бўйича мураббий Баҳром Саидовнинг шогирдлари республика мусобақасида қатнашаяпти.

Спорт-соғломлаштириш марказининг 8 минг томошабинга мўлжалланган ёпиқ стадиони бор. Унда аёллар футболи бўйича республика, халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш кўзда тутилган. Бу бежиз эмас. Машҳур «Севинч» жамоасининг базаси ҳам шу ерда жойлашган. Аёллар ўртасида мамлакат биринчилиги ва кубок мусобақаларида бир неча йилдан бери етакчилик қилиб келаётган «Севинч» қизлари бу стадионда янги-янги муваффақиятларга эришишига ишонса бўлади.

Марказ ҳудудидаги катта чўмилиш ҳавзасининг атрофига майин қум тўкилиб, пляж қилинган. Доимий равишда оқар сув тушиб турганлиги учун ҳавза тиниқ. Ҳаммаёқ тоза, озода. Қуёшда тобланиш учун тахта тўшаклар, соябонлар, айвончалар тартиб билан жойлаштирилган. Ҳавзанинг ёнида пляж футболи стадиони қурилган бўлиб, унда бу йил республика биринчилиги ва кубок мусобақалари ўтказилди.

Биз шейпинг, бодибилдинг, ушу, каратэ-до секциялари ишлаётган залларни кўздан кечирдик. Ҳамма жойда эътиборимизни тортган нарса тартиб-интизом, озодалик бўлди. Мижозларнинг жисмоний чиниқишга интилиши, мураббийлар ва маъмурият ходимларининг жонкуярлиги туфайли спорт-соғломлаштириш марказида чинакам спорт маданияти қарор топмоқда.

Хайрлашиш олдидан Миржаҳон Муродов катта ҳудудни эгаллаб турган бу кошонанинг тўлиқ номи «Маданий, спорт-соғломлаштириш маркази» эканлигини, 2500 ўринли амфитеатр ҳам марказ таркибига киришини айтиб қолди.

— «Шўртан газ-кимё мажмуи» раҳбари, сенатор Алишер Султонов маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларига катта эътибор беради, — дейди у. — Бу ерда амалга оширилаётган ишлар ҳамиша мажмуа раҳбариятининг диққат марказида. Шунинг учун ҳам ишимизда ечилмайдиган муаммо йўқ. Аксинча, ривожланиш бор. Янгидан ёпиқ сузиш бассейни, теннис корти, профилакторий қурилиши режалаштирилган. Ана ўшанда марказимизни чинакам маданият ва спорт шаҳарчаси, деса ҳам бўлади.

Биз уни ҳозирги ҳолатда ҳам анча-мунча спорт шаҳарчасидан кам кўрмадик.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ж. НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 ноябрдаги 542-сонли «Ўзбектўқимаш» ишлаб чиқариш бирлашмасини тугатиш масалалари тўғрисида»ги қарорига асосан

## «ЎЗБЕКТЎҚИМАШ» ИЧБ ТУГАТИШ БОШҚАРУВИ

**бирлашманинг бино-иншоотлари негизида тўқимачилик саноати, тайёр тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда саноат корхоналари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, узеллар ва бутловчи қисмлар тайёрловчи (500 кв. метрдан ортиқ бўлган майдонда), шунингдек, бошқа бинолар негизида истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи, экологик жиҳатдан тоза бўлган корхоналар ташкил этиш бўйича танлов (қайта тендер) ўтказилишини эълон қилади.**

**Танлов (тендер)га «Ўзбектўқимаш» ИЧБга қарашли қуйидаги бино-иншоотлар қўйилган:**

| Бино-иншоотнинг номи | Инвент. рақами | Бино майдони* (кв. метрда) | Бошланғич баҳоси* (АҚШ долл.) |
|---|---|---|---|
| **Комплекс № II** | | | |
| - таъмирлаш-механика цехи ва ностандарт асбоб-ускуналар цехининг бино-иншоотлари | 601530<br>601300<br>605500 | 2720,6 | 155803,00 |
| **Комплекс № IV** | | | |
| - ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлимининг марказий асбоблар омбори биноси (ЦИСПДО) | 606700 | 1482,0 | 113894,00 |
| **Комплекс № V** | | | |
| - айланма таъмирлаш компрессор станцияси биноси | 603200 | 612,4 | 73857,00 |
| **Комплекс № VII** | | | |
| - пайвандлаш участкаси биноси | 606610 | 531,3 | 42267,00 |
| **Комплекс № IX** | | | |
| - 12-сонли корпус биноси (2-подстанция биносидан ташқари), термик цех биноси ва босим остида қуюв цехининг металлоконструкциялари | 601610<br>609700<br>603512 | 2897,1 | 96323,00 |
| **Комплекс № X** | | | |
| – асбоб-ускуналар таъмирлаш бўлими (РИО КПЦ)нинг биноси, ярим фабрикатлар омбори биноси, тарозихона биноси, тарозихонанинг ёпиқ айвони | 610300<br>610310<br>606630<br>607020 | 490,8 | 36454,00 |
| Босим остида қуюв цехининг 2 қаватли, маъмурий биноси (ертўласиз) | 630400 | 553,0 | 30593,00 |
| 2-сонли ошхона биноси (61-блок) қўшимча биноси билан | 630300 | 655,3 | 41440,00 |
| Бош касса биноси («Титан-ММК» ОАЖ ҳудудида жойлашган) | 606900 | 89,6 | 18 000,00 |
| Енгил автомашина кузовини бўяш ва текислаш (рихтовка қилиш) участкасидаги металлоконструкция-иншоотлар («Тархуш» ОАЖ ҳудудида жойлашган) | 608300<br>608310 | 112,5 | 4757,00 |

** — бино-иншоотларга туташ ҳудуд ва ундаги асфальт-бетон қопламалар ҳамда яшил дов-дарахтлар бино майдони ва бошланғич баҳосига киритилмаган.*

**Танлов (тендер)да қатнашиш учун ушбу эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 календарь куни давомида иштирок этиш истагини билдирган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тугатиш бошқарувидан олинадиган (Давлат мулк қўмитаси томонидан тавсия этилган) «Талабнома» асосида қуйидаги ҳужжатларни юқорида кўрсатилган муддатда тугатиш бошқарувига тақдим этишлари лозим:**
- **танлов (тендер) иштирокчилигига номзод тўғрисида тўлиқ маълумотлар;**
- **ҳуқуқий шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси;**
- **қисқача бизнес-режа, инвестиция таклифлари ва бинони сотиб олиш бўйича кафолат хати (сотиб олинадиган ҳар бир объект бўйича алоҳида муҳрланган конвертларда тақдим этилади).**

**Танлов (қайта тендер)га қўйилган объектлар бўйича қўшимча маълумотларни қуйидаги манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин: 100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 53-«Б» (мўлжал — «Аския» бозори рўпарасида).**

**Телефонлар: 280-50-94, 280-50-92.**

«Ўзбектўқимаш» ИЧБ тугатиш бошқаруви

## Халқаро турнир

# Чемпионат Тошкентда ўтади

***Жорий йилнинг 1-4 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида "Универсал жанг" бўйича VIII жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.***

Унда дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан келган спортчилар иштирок этиши кутилаяпти. Беллашувлар тўққиз вазн тоифасида олиб борилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, шарқ яккакурашининг кўп томонларини ўзида мужассамлаштирган мазкур спорт тури юртимизда оммалаша бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай, йигитларимизнинг халқаро турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатларида қўлга киритган ютуқлари салмоқли бўлмоқда. Куни кеча ўтказилган ташкилий қўмита йиғилишида чемпионатни ҳар томонлама юксак савияда ташкил этиш, унда ҳамюртларимизнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

— Мезбон бўлганимиз учун иккита таркиб билан қатнашиш имконига эга бўлдик, — дейди "Универсал жанг" бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийси Абдулла Кўчмуродов. — Мақсадимиз — ўз уйимизда муваффақиятли иштирок этиш. Дастлаб вилоятларда биринчи рақамли спортчиларимиз саралаб олинди. Ҳозир Олмалиқ шаҳрида сўнгги ўқув-йиғин машғулотларини олиб бораяпмиз.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг

## «Универсал биржа маркази» МЧЖ

**2007 йил 9 ноябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаларини қўймоқда.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 16 июлдаги 8430/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 16-уй манзилидаги Тошкент шаҳар ПХ СВОЖ ЖДЛКК ҳудудида сақланаётган, давлат рақами 30D4121 бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-310290» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси – 2 102 600 сўм.*

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 22 майдаги 5796/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 16-уй манзилидаги Тошкент шаҳар ПХ СВОЖ ЖДЛКК ҳудудида сақланаётган, давлат рақами 30M9381 бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси – 6 077 000 сўм.*

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93.**

Лицензия DB001-000010.










Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти **Рустам МАЪДИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси «Халқ сўзи» газетасининг Навоий вилояти бўйича ўз мухбири Ҳамдам Эшонқуловга синглиси **Ҳабиба ВОҲИДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти **Рустам МАЪДИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 23333 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 23.05 23456